

**Ёшлар билан ишлаш борасида 2024 йилда амалга оширилган ишлар
ва келгуси йил учун устувор вазифалар тўғрисида
АХБОРОТ**

“Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да ёшлар масаласига оид **3 та** қонун, **21 та** Президент Фармони ва қарори, **15 та** Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилиниб, ёшлар учун **100 дан** ортиқ янги имконият ва имтиёзлар яратилди.

Жорий йил бошида **9 452 та** маҳаллада ўтказилган хатлов орқали **8,3 млн** “ёшлар баланси” шакллантирилиб, уларнинг индивидуал муаммоси, қизиқиши ва **иқтидори**дан келиб чиқиб, қатор тизимли ишлар амалга оширилди.

Биринчидан, Республика комиссияси ва Давлат хавфсизлик хизмати назорати остида **377 минг** ёшларнинг “фуқаробай” ишлаб чиқилган “Ёшлар бандлиги дастури” ижросини таъминлаш юзасидан **Штаблар** ташкил этилиб, қуйидаги ишлар амалга оширилди:

152 минг 742 нафар ёшга деҳқончилик қилиши учун “маҳалла еттилиги” тавсияси билан **56 минг гектар** унумдор ер майдонлари ажратилиб, **2 та** мавсумда **165,4 минг тонна** маҳсулот етиштирилди;

республика ҳудудларининг **1 тадан** туманида (жами **14 та**) “Уйчи тумани тажрибаси” жорий этилиб, ишсиз ва норасмий фаолиятдаги **62,9 минг** ёшлар бандлиги таъминланди;

24,2 минг ёшларга меҳнат қуроллари, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида **125,3 минг** ёшларга **2 трлн 223 млрд сўм** имтиёзли кредит ажратилиб, маҳалланинг ўзида бандлиги таъминланди;

ёшларни юқори даромадли фаолиятга жалб этишга қаратилган “Келажак касблари” лойиҳаси орқали **755 та** хусусий ўқув марказлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, **25 минг** ёшларнинг **56,7 млрд сўм** ўқиш харажатлари тўлаб берилди;

хорижда ишлаш истагида бўлган фуқароларни тартибли ва хавфсиз жўнатиш бўйича ҳудудларда хатлов ўтказилиб, **1 068 543 нафар** фуқаронинг “меҳнат миграцияси баланси” шакллантирилди;

Маълумот учун: **807 404 нафар** фуқаро хорижда, **220 143 нафари** қайтганлиги, **40 996 нафари** чет элда ишлаш истагида эканлиги аниқланди.

Бундан ташқари, ҳудудларда “Бизнес марафон” ва “Бизнес саёҳат” лойиҳалари амалга оширилиб, ёшларнинг бизнес кўникмаларини шакллантиришга қаратилган семинарларда **70 мингга** яқин ёшлар қамраб олинди.

Натижада **1 889 та** маҳалла “ёшлар ишсизлигидан ҳоли ҳудуд”га айланди.

Иккинчидан, тарбияси оғир ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар муаммосини ҳал қилиш ва ҳаётда ўз ўрнини топишга қаратилган зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан:

давлат идораларининг **7 965 нафар** республика-вилоят-туман раҳбарларига тарбияси оғир бўлган **123 минг** ёшлар номма-ном бириктирилиб, уларнинг барчаси билан учрашувлар ўтказилди ва муаммоси аниқланган **76,5 мингга** кўмак кўрсатилди;

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг **17 460 нафар** ходимларига оталиққа берилган **4 млн** ёшлар билан ўтказилган учрашувлар натижасида уларнинг дунёқарашини ўзгартириш орқали ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиб, муурожаат қилган **369 373 нафари**нинг муаммолари ҳал этилди;

Маълумот учун: ёшларнинг **18 648 нафари** профилактик, **3 947 нафари** пробация назоратидан чиқарилган бўлса, **95 942 нафари**га ер ва кредит ажратилди, **63 916 нафарининг** бандлиги таъминланди, **24 139 нафари** касб-ҳунарга ўқитилди, **20 694 нафари**га моддий ёрдам ва субсидия берилди, **142 087 нафарининг** бошқа муаммолари ҳал этилди.

ватанпарварлик оромгоҳлари, **“Жасорат”** мактаблари, ҳарбий хизматга жалб этиш бўйича **277 мингдан ортиқ** тадбирлар ўтказилиб, мудофаа органлари томонидан **10 460 нафар** ёшлар ҳарбий хизматга саралаб олинди;

“Ёшлар дафтари”га **193 минг** ёшлар киритилиб, **“маҳалла еттилиги”** тавсияси билан **170 мингга 345 млрд сўмлик** кўмак кўрсатилди;

ёшлар муаммоларини ҳал қилиш бўйича алоҳида тизим яратилиб, ҳар ҳафтада вазирликлар, идоралар, ташкилотлар раҳбарлари, ҳудудий ҳокимликлар, сектор раҳбарларининг ёшлар билан мулоқотларини ўтказиш йўлга қўйилди ва ёшлар томонидан кўтарилган **75 979 та** муаммо ижобий ҳал этилди.

Бириктирилган ёшлар билан ишлашда сусткашликка йўл қўйган **179 нафар** ходимга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилиб, бошқа хизматчиларнинг масъулиятини оширишга эришилди.

Маълумот учун: **30 нафар** мудофаа, **15 нафар** прокуратура, **53 нафар** фавқулодда вазиятлар, **28 нафар** ички ишлар, **31 нафар** миллий гвардия, **13 нафар** адлия органлари тизими ходимлари ҳамда **9 нафар** маҳаллий ҳокимликлар вакиллари.

Натижада **2 894 та** маҳалла **“ёшлар жиноятчилигидан ҳоли ҳудуд”**га айланди.

Учинчидан, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида **“Беш ташаббус олимпиадаси”**ни йил давомида ўтказиш амалиёти жорий этилиб, ёшларнинг **764 минги** маданият-санъат, **5,4 млн** спорт, **304,4 минги** Ай-Ти, **1,7 млн** китобхонлик ва интеллектуал, **201 минги** касблар йўналишларида танлов ва мусобақаларда иштирок этди.

Хусусан, ёшлар ўртасида футбол бўйича **“ДХХ кубоги”**, кураш бўйича **“Бош прокурор кубоги”**, гандбол бўйича **“Маҳаллалар уюшмаси кубоги”** мусобақаларига **1,7 млн**дан ортиқ маҳалла ёшлари қамраб олинди.

Олимпиада ғолиблигини қўлга киритган ёшларнинг маҳалласида **969 та** (**280 та** “Универсал”, **444 та** “Стритбол ва воркаут”, **245 та** “Воркаут”) спорт майдончалари барпо этилди.

Ҳудудлардаги **342 та** кўнгилочар объектлар, **251 та** маданият ва истироҳат боғлари, **124 та** “Ёшлар ижод кўчалари”, **213 та** “Ёшлар сайлгоҳлари”, **55 та** “Ёшлар марказлари”, Тошкент шаҳрида “Заковат аренаси”, “Креатив парк”, Жиззах шаҳрида “Киберспорт аренаси” барпо этилиб, **“Маънавият фестиваллари”**, **“Чилла – истеъдодлар мавсуми!”** каби тадбирларда **4,2 млнга** яқин ёшлар қамраб олинди.

Шунингдек, таълим муассасаларидаги **9 мингга** яқин **спорт объектлари** ва **10 103 та кутубхона** соат **16:00 дан 23:00 га** қадар маҳалла ёшлари учун эркин фойдаланишга берилиб, **1,5 млн** нафардан ортиқ ёшлар жалб этилди.

Тўртинчидан, ёшларнинг **иқтидори**, **ғоя** ва **ташаббуси**ни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги “Ёшлар ижод саройи”да намунавий **“Креатив парк”** ташкил этилиб, унда **“Қизлар академияси”, “Анимация мактаби”, “Ибрат фарзандлари”** лойиҳалари, **“Фитрат медиа”, “Ёш дизайнерлар клуби”, “Волонтерлар мактаби”, “Кулолчилик академияси”** фаолияти йўлга қўйилди (ҳозирга қадар **1 млнга** яқин ёшларнинг истеъдодлари қўллаб-қувватланиб келинмоқда);

Ёш хотин-қизларни **тадбиркорлик, маркетинг, график-дизайн, ҳуқуқ** ва **замонавий касбларга** ўргатиш учун **“Қизлар академияси”** лойиҳаси йўлга қўйилиб, **240 та** қўлланма тайёрланди ва ижтимоий тармоқлар орқали **300 минг** хотин-қизлар қамраб олинди;

Ўзбек миллий қаҳрамонлари образини яратиш орқали қадриятлар, одоб-ахлоқ қоидалари сингдирилган **“Бек ва Лола”**, буюк аجدодларимиз образи орқали устозларни улуғлаш, таълим олишга интилишнинг содда ва замонавий услубларини тарғиб қилишга қаратилган **“Беруний саргузаштлари”**, табиатни асраш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ғоялари асосида **“Яшил макон” анимацион мультфильмлари бренди** яратилиб, ижтимоий тармоқларда **20 млн** маротаба кўрилди;

Ёшларни **хорижий тил ва замонавий касбларга ўқитиш** орқали **“Ибрат фарзандлари”** лойиҳаси доирасида **1,4 млндан** ортиқ ёшлар **23 та** хорижий тилларни, **“Ustoz AI”** лойиҳаси доирасида **250 минг** ёшлар **10 га яқин** замонавий касбларни **онлайн** ўрганмоқда;

Хорижий тиллар бўйича **халқаро имтиҳон тизимларидан C1 даражасидаги** сертификатга эга бўлган **36,7 минг** ёшларга **67,6 млрд** сўм (шундан, жорий йилда **13,8 минг** ёшларга **27,3 млрд** сўм) имтиҳон топшириш харажатлари қоплаб берилди;

Китобхонликни ривожлантириш мақсадида **“Ёш китобхон”** танлови орқали **912 мингдан** ортиқ, **“Мутолаа”** лойиҳаси орқали **1,4 млн** ёшлар қамраб олинди, лойиҳа доирасида **1 минг 667 та аудио** ва **1 минг 947 та электрон** китоблар яратилди. Бугунги кунда лойиҳа орқали **4 млн 631 мингта** китоб ўқилмоқда;

Уйғониш даври алломалари ҳақида **“Уйғониш” (140 минг нусха)**, **маърифатпарвар жадидлар** тўғрисида **“Жадидлар” (184 минг нусха)** тўпламлари нашр этилиб, таълим муассасалари ва кутубхоналарга етказилди.

Бешинчидан, жорий йилда амалга оширилган ишлар **сарҳисоби** ҳамда **2025 йилдаги** устувор вазифалар муҳокамасига қаратилган **50 га** яқин йирик **тадбир** ва лойиҳалардан иборат **“Ўзбекистон ёшлар форуми”** ташкил этилиб, **1,5 млн ортиқ** ёшлар қамраб олинди.

Маълумот учун: ёшлар форум доирасида **“I Ўқув марказлари форуми”**, маҳалладаги ёшлар етакчилари, ёш деҳқонлар **форумлари**, **“Раҳбар ва ёшлар”** учрашувлари, **расомчилик, китобхонлик, интеллектуал танловлар**, **“Ustoz AI”, “UzChess”, “Ibrat farzardlari”, “TOP 100 Uni”, “Mutolaa” “Qizlar akademiyasi”** лойиҳалари тақдиротлари, **“Тошкент – МДХ ёшлар пойтахти”, Халқаро волонтерлар форуми**, шулар жумласидан.

Давлат раҳбари томонидан жорий йил **28 июнь** кuni фаол ва ташаббускор ёшлар иштирокида ўтказилган видеоселекторда берилган топшириқлар ижроси юзасидан **5 август кuni Республика комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши** ўтказилиб, баёнда белгилаб берилган **38 та** топшириқнинг **19 таси** тўлиқ бажарилишига эришилди (**19 та** топшириқ ижроси давом этмоқда).

(Баён билан жами **11 та** меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш белгиланган, бугунги кунга қадар **1 та қонун, 1 та ВМ қарори тасдиқланган**. Қолган **9 та** ҳужжат (**1 та** қонун, **2 та** фармон, **6 та** ВМ қарори) Вазирлар Маҳкамасида экспертизадан ўтказилмоқда.)

Рухсат берилган тақдирда, ёшлар билан ишлаш борасида келгусида қуйидаги устувор вазифалар амалга оширилади:

1. “Ёшлар тадбиркорлиги ва бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тадбиркорлик лойиҳалари **кредит, лизинг, ссуда (қарз), тайёр бино ижараси ва ДХШ каби 8 та** йўналишда қўллаб-қувватланади:

а) ҳудудлардаги **14 та** канал ва **соҳил бўйларида** хизмат кўрсатиш, савдо ва кўнгилочар мажмуалари ташкил этилиб, тадбиркорларнинг миллий бренд лойиҳалари жойлаштирилади (*Тошкент шаҳридаги “Сеул Мун” мажмуаси намунасида*);

б) ҳар бир ҳудда **1 тадан “Ёшлар тадбиркорлик масканлари”** барпо этилиб, уларда **лойиҳа офислари, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, замонавий касблар ва хорижий тилларга ўқитиш марказлари** ташкил этилади;

в) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун **“Ёшлар кооперациялари”** ташкил этилиб, **60 минг** гектар ер берилган **155 минг нафар** ёшларни маҳсулотларини **жамлаш ва экспорт қилиш** бўйича тизим яратилади;

г) магистрал, ички йўллар бўйи, жамоат жойларида **1 мингта** **кўчма савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари (нуқталари)** бапро этилади.

Бу орқали **Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш жамғармаси** кўмагида **50 минг** ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорликка жалб қилиш чоралари кўрилади.

2. Таълим берувчи **хусусий ўқув марказлари** фаолиятини қўллаб-қувватлаш **экотизими** яратилиб, **100 минг нафар** ёшлар замонавий касблар ва хорижий тилларга ўқитилади, шунингдек **таълим йўналишидаги консалтинг компаниялари** ҳамкорлигида хорижда ўқиш истагидаги ёшларни ватанпарварлик ғоялари асосида **нуфузли олийгоҳларга тартибли** ва **хавфсиз** юборилади.

3. Ёшлар йўналишидаги **нодавлат нотижорат ташкилотлар** фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун уларнинг ҳар бир истиқболли лойиҳасига **Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг **3 минг** бараваригача тўғридан-тўғри молиялаштириш чоралари кўрилади.

4. Креатив иқтисодиёт соҳасида ёшларнинг **ижодий** ва **интеллектуал салоҳияти**ни рўёбга чиқариш, жумладан **анимация, график дизайн, китоб саноати** каби йўналишларда уларнинг **ғоя** ва **ташаббусларини** қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитлар яратилади.

5. Ишсиз ёшларни **ишга жойлаштиришда кўмаклашиш**, ажратилган экин майдонларидан **унумли фойдаланишини** ташкил этиш, **меҳнат қуроллари** ажратиш, **замонавий касбларга ўқитиш**, **тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш** орқали **380 минг** ёшларнинг бандлиги таъминланади.

6. Маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спорт, Ай-Ти, китобхонлик ва интеллектуал, касблар йўналишларида **танлов** ва **мусобақалар, тўгараклар** ташкил этиш орқали **9 млн** ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади.

7. Ёшларнинг **ҳуқуқий** ва **сиёсий саводхонлигини ошириш**, **жиноятчиликка қарши курашиш**, ёшларни **ҳарбий хизматга юборишга** қаратилган тадбирлар, **“Шунқорлар”** ҳарбий-ватанпарварлик спартакиадаси, **“Жасорат мактаби”** лойиҳаси ташкил этилиб, **3 млн** ёшларнинг **ватанпарварлик руҳида тарбияланишига** кўмаклашилади.

8. Хорижий тилларни ўрганишда **“Ibrat farzandlari”**, китобхонликни тарғиб қилишда **“Mutolaa”**, шахматни оммалаштиришда **“Uzchess”**, замонавий касбларни ўрганишда **“Ustoz AI”**, хотин-қизларни турли соҳаларда ривожлантиришда **“Қизлар академияси”** лойиҳаларини оммалаштириш орқали **3 млн** иқтидорли ёшлар кашф қилинади.

Республика комиссияси ҳамда **Давлат хавфсизлик хизмати** томонидан ёшлар билан олиб борилаётган ишлар муҳокама қилиб борилади, ижро учун масъул идоралар фаолияти мувофиқлаштирилади.

Маълумот учун киритилмоқда.